



Ислом Нури

Савол:

менда бир савол бор. Сўрашга уялиб турибман. Бирок мусулмон эканмиз, хижолат бўлмаслигимиз вожиб. Исломда "онанизм – капаки" билан шугулланиш жоизми?

Жавоб:

Алхамдулиллах, аввало Куръони Каримдан: Ибн Касир раҳимахуллох айтади: Имом Шофиъий ва у кишига мувофик бўлганлар кўл билан маний чиқаришнинг харом килинганига қуйидаги оятни далил келтирдилар:

«Улар авратларини (харомдан) сакловчи кишилардир. Магар жуфти халолларидан ва кўлларидаги чўрилардангина (сакланмайдилар). Бас улар маломат килинмаслар. Энди ким шундан ўзгани истаса, бас ана ўшалар хаддан ошгувчидирлар». (Муъминун: 5-6)

Шофиъий никох китобида айтадилар: Бас улар авратларини ўз жуфти халолларидан ва кўлларидаги чўрилардан ўзга нарсалардан саклангувчи эканликларини баён этиш билан булардан бошка барча нарсаларнинг харом килинганлиги очик равшан бўлди. Кейин (равшан бўлса ҳам) Аллох Таъоло уни таъкидлаб яна шундай деди: **«Энди ким шундан ўзгани истаса, бас ана ўшалар хаддан ошгувчидирлар».** Демак закарни факат жуфти халол ёки кўл остидаги чўригагина ишлатиш халол. Кўл билан маний чиқараш харом. Валлоху аълам. Шофиъийнинг "Асос" (ал-Умм) китоби.

Илм ахлларида баъзиси Аллох Таъолонинг **«Никох (учун лозим**



Ислом Нури

бўлган мол-давлатни) топа олмаган кишилар то Аллох уларни ўз фазлу карами билан бой-бадавлат килгунича ўзларини (харомдан) пок тутсинлар» (Нур: 33) деган оятидан ўзни пок тутишга буюриш бошка нарсалардан сабр килмокни такозо этишига далил келтирдилар.

Иккинчи суннати набавийядан:

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анхунинг хадисини далил килдилар. У киши айтди: хеч нарсага эга бўлмаган йигитлар набий соллаллоху алайхи ва саллам билан бирга эдик. Шунда расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бизларга: «Эй йигитлар, ким уйланиш сарф-харжатларига кодир бўлса уйлансин. Чунки у кўзни тўсувчирок олатни сакловчирокдир. Ким кодир бўлмаса рўза тутсин. Зеро рўза у учун ахталикдир.» (Яъни харомга тушиб колишдан химоядир) (Бухорий ривояти, Фатх: 5066)

Демак, шариат уйланишдан ожиз бўлган кишини кийин бўлса ҳам рўза тутиб юришга йўллади. Боис кучли бўла туриб уни сунъий маний чикаришга йўлламади. Холбуки у рўза тутишдан енгилрок. Шундай бўла туриб бунга рухсат бермади. Бу масала хусусида бошка далиллар ҳам бор. Шу кадри бизга кифоя валлоху аълам.

Энди бу балога мубтало бўлган кишини даволаш хусусига келсак кутулиш учун куйидаги бир неча насихатлар ва боскичларга амал килинади:

1. Бу одатдан кутулишга боис Оллох амрига бўйсунуш ва газабидан сакланиш бўлмоги лозим.



Ислом Нури

2. Тубдан, илдиздан бўлган ислох оркали буни даф қилиш. Бу расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг йигитларга қилган тавсияларига амал қилиб уйланиш.

3. Турли хаёл ва васвасаларни даф этиш. Нафс ва фикрингни дунё ва охиратингга наф бўладиган нарсада ишлатиб, машгул-банд қилмогинг. Чунки давомли васваса амалга элтади. Сўнгра мустаҳкамланиб одатга айланадида ундан кутулиш қийин кечади.

4. Кўзни тўсмок. Чунки, хоҳ тирик бўлсин хоҳ расм-мафтункор сурат ва шахсларга қараш, кўзни жиловламаслик харомга олиб боради. Шунинг учун Аллох таоло: «**Мўъминларга айтинг кўзларини тўссинлар**», деди. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: «Биринчи назарга кейинги назарни эргаштирма», дедилар. (Теримизий ривояти: 2777, Сахиҳул-жомиъ: 7953)

Биринчи назар (ногахоний назар)да гуноҳ бўлмай, иккинчи назар эса харом қилингандир.

Шунингдек ички яширин шахватни кўзговчи ўринлардан узок юриш лозимдир.

5. Хар хил ибодатлар билан машгул бўлиш. Гуноҳ учун бўш вақт қолдирмаслик.

6. Бу ишдан келиб чиқадиган сихат-саломатликка оид зарарларни эътиборга олиш. Улар кўз, асаблар, таносил аъзоларининг заифлашуви, бел огриглари ва табобат ахли зикр қилган бошқа зарарлардир. Шунингдек виждон азоби, ҳадиксираш каби рухий зарарларни ҳам санаб ўтиш жоиз. Энг дахшатлиси эса ювинишнинг



Ислом Нури

кўпайиши ёки унинг хусусан кишда кийинлиги сабаб намозларнинг зоеъ килиниши ва рўзани барбод килиши. Яна бу иллатнинг зарарларидан: каноат килиш ўрнига уни нотўгри йўл оркали чиказиш. Чунки баъзи ёшлар ўзни зинодан ва баччавозликдан химоя этишни (бахона) сабаб килиб бу ишни жоиз деб санайди. Холбуки, у бу фахш ишларга умрида якин келмаслиги мумкин.

7. Кучли ирода ва азму-карор билан курулганиб киши шайтонга бўйсунмаслик. Ёлгиз ётиш каби яккаликдан сакланиш. Хадисда Набий соллаллоху алайхи ва салламнинг кишининг ёлгиз ётмогидан кайтарганлиги келган. Буни Имом Ахмад ривоят килди. У Сахих ал-Жомеъ: 6919 – да ҳам мавжуд.

8. Таъсири кучли, Пайгамбар давосига риоя килиш. У рўза тутишдир. Чунки, у шахват галаёнини пасайтириб, гаризани поклайди. Шунингдек бу ишни кайтиб килмасликка касам ичиш ёки назр килиш ва бу каби гайри оддий ишлардан хазар килиш. Чунки, шундан сўнг бу ишга кайтса касамни мустахкамлагандан кейин уни бузиш бўлиб қолади.

Ундан ташкари шахватга таскин берувчи дориларни истеъмол килмаслик. Чунки, буларда тиббий ва танага оид хатарлар мавжуд. Дарвоқеъ мутлако шахватни кесадиган нарсаларни истеъмол килишнинг харомлигини ифода этувчи хадис собитдир.

9. Ухлаётгандаги шаръий одобларга риоя этиш. Мисол учун бу хусусда ворид бўлган зикрларни ўқиш, ўнг ёни билан ётиш, Набий соллаллоху алайхи ва саллам кайтарганлари учун корин билан ётиб ухлашдан сакланиш.



Ислом Нури

10. Иффат ва сабр билан безаниш. Чунки, гарчи нафс хохласа-да харом килинган нарсалардан тийилиб, сабр килиш бизларга вожиб. Шунин биланликки, нафсни иффатга ундаш оқибатда унинг хосил бўлиб, киши учун ажралмас хулққа айланишига олиб келади. Зеро Набий соллаллоху алайхи ва саллам: «Кимки, иффат изласа Аллох уни иффатли килур, ким хожатсиз бўлишни изласа Аллох уни беҳожат килур, ким ўзини сабрга ундаса, Аллох уни сабрли килур. Хеч кимга сабрдан кўра мўлроқ ва яхшироқ нарса ато этилмади», дедилар. (Бухорий, Фатх: 1469)

11. Ушбу гуноҳ ишни инсон килиб кўйса дархол тавба-тазарру, истигфорга шошилмоғи ва умидсизликка тушмасдан тоат-ибодатга бел боғламоғи лозим. Чунки ноумидлик катта гуноҳлардандир.

12. Ва ниҳоят, хеч шак-шубҳа йўқки, албатта, Аллохга илтижо килиш, дуо килиб унга ёлбориш, бу одатдан кутулиш учун ундан ёрдам сўраш энг катта даводир. Чунки Аллох субханаху дуо килгувчи дуо килса, уни ижобат килур. Валлоху Аълам.

Шайх Муҳаммад Солех ал-Мунажжид.
ИНТ таржимаси